A vertical decorative border on the left side of the page, featuring intricate Islamic geometric patterns in shades of blue, green, and gold. The patterns include star shapes, interlocking lines, and floral motifs.


**Уч буюк қадрият:
МАЪНАВИЯТ, АХЛОҚ-
ОДОБ, МАЪРИФАТ**



Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг эркин фикрлайдиган, ўз-ўзини англайдиган, жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялаш вазифаси давлат сиёсатининг устивор йўналиши қилиб белгиланди. Уни амалга ошириш эса энг аввало тарбияланувчиларнинг ички руҳий маънавиятини бойитиш ва мустақил дунёқарашини шакллантиришни тақоза этади.

“Ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир.”

Ш.М.Мирзиёев



Маънавият кўп қиррали тушунчадир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зохирий ва яширин, ички руҳий – ботиний томонларини ҳам қамраб олади.

Маънавият ўзи нима?, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб топиш қийин. Унга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама қарши, ноаниқ саёз жавоб ва фикрлар билдирилган.


“Маънавият” тушунчасива унинг тамойилларига ўзига хос изоҳ ва таърифлар бериб келинмоқда. Бунга сабаб **“Маънавият”** тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса эканлигидир.

Аслида маънавият – *инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган энг бақувват маънавий-руҳий омил ҳисобланади.*


Инсон – табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жихатдан таъминланиш билан кифояланиш – онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатдир. Маънавият одамнинг ақлий ва руҳий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлганлиги учун ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул.

A decorative Islamic geometric pattern, likely a tile or wall design, featuring intricate star and polygonal motifs in blue, red, and gold. The pattern is partially visible on the left side of the page, with a soft white glow effect.


Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида: «Маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайшига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари қамраб олинганини кўриш мумкин.




А.Эркаевнинг фикрича, *«Маънавият – инсонинг ижтимоий – маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир»*.

М.Имомназаров дастлаб *“Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...»*, -деб ёзган бўлса, кейинчалик *«Маънавият – инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб кўяди»*, -деб ёзади.

Т. Маҳмудов *«...Маънавият – инсонинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балогати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир»*, -деган таърифни беради.

A decorative Islamic geometric pattern, likely a wall or ceiling design, featuring intricate star and polygonal motifs in blue, red, and gold. The pattern is partially visible on the left side of the page, with a soft white glow effect.

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий – сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларни маънавиятни ривожлантириш, унга таяниш орқали ҳал этиш мумкин. Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, ғийбат қилишлик, кўролмаслик, ёвузлик, кўпарувчилик, ўз ватани ва халқига нисбатан сотқинлик тухмат қилиш каби салбий иллатлар, маънавиятсизлик кўринишларига ўрин қолмайди.



Шахснинг ўз ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозаллик, сахийлик, самимийлик, хайрихоҳлик, иймонлилик, ҳалолик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шафқатлилик, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар.

Шахснинг миллат вакили сифати мақомида: миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан маъсулиятни, миллий манфаат устиворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар, давлат тизимига, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятидан хабардор бўлиш ва уни қўллаб-қувватлаш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқалар бўлса;

шахснинг жамият вакили сифатидаги мақомида: мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини оширишдаги маъсуллик, жаҳон цивилизацияси ютуқларини эгаллаш, жаҳон халқлари олдида турган умумбашарий муаммоларига бефарқ бўлмаслик, миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлигини англаш, инсоннинг табиатининг бир бўлаги эканлиги, уни асрашда маъсуллик ва бошқа бир қатор тушунчаларни киритиши мумкин.



Маънавиятнинг таркибий қисмлари

Маданият

Маданият – бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилган моддий ва маънавий бойликлар тизимидир. Маданият – моддий ва маънавий маданиятга бўлинади.

Маданий ва маънавий мерос

Маданий мерос - ўтмиш авлоддан кейинги авлодга ворислик асосида қолдирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий маданият мажмуидир.

Маънавий мерос - узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан ғоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган инсониятнинг бутун ижтимоий манфаати ва эҳтиёжига, езуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликлардир.

Мафкура

Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, қарашлар, уларни амалга ошириш учун воситалари тизимидир. Мафкура – умуммиллий, умумхалқ аҳамиятига эга ғоялар тизими бўлиб, у халқни, миллатни олижаноб мақсадлар йўлида бирлаштирувчи умумсафарбарликка даъват этувчи кучдир.

Қадрият

Қадрият - инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуидир.

Қадриятлар табиий, маданий, маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсийларга бўлинади. Қадимги ёзувлар, битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, улуғ шоир ва мутафаккирларимиз яратган инсон ички дунёси, руҳиятига қаратилган дунёвий ва диний асарлар бизнинг маънавий меросимиз ва қадриятларимиздир.

Ахлоқ-одоб қандай фазилат?

Маънавият таркибий қисмларидан энг муҳими – **ахлоқ ва одобдир**.

Ахлоқ арабчадан олинган бўлиб, хулқ одоб, атвор, феъл деган маъноларни англатади. Рус тилида ишлатиладиган «мораль» сўзи «мочей» сўзидан олинган бўлиб, у ҳам ахлоқ маъносини билдиради.

Юнонча «ethos» сўзидан олинган одат, одоб, расм-русум, феъл (характер) маъноларини билдиради.

Ушбу тушунча Арасту (э.о.384-322 йй) томонидан ахлоқнинг синонимии сифатида ишлатилган.

«Одоб» (арабча «адаб» сўзининг кўплиги) хулқ-атвори, юриш-туриш маданиятнинг ташқи ва ички жиҳатларни ифодалайдиган тушунча.


У кишиларнинг ҳатти-ҳаракатида, ўзаро муносабатида (оила, меҳнат жамоаси ва ҳ.к.) намоён бўлади.

«Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқий тарбия билан яқунланади».

Абу Наср Форобий

«Ахлоқийлик деганда биз фақат ташқи муомалани кўзда тутмаймиз, балки ниятнинг бутун ички моҳиятини тушунаемиз».

Я.А. Коменский




Ахлоқ ҳақида гап борганда, албатта унинг муайян тузилмаси, унга асос бўлган омиллар, унсурлар тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас.

Ахлоқ тузилмасини, одатда, уч омил-асосдан иборат деб ҳисоблайдилар.

- Булар-ахлокий англаш (ахлокий онг),
- ахлокий ҳис этиш (ахлокий хиссиёт)
- ахлокий муносабатлар (ахлокий ҳатти-ҳаракатлар).

Баъзи мутахассислар (чунончи, машхур рус ахлоқшуноси А.И. Титаренко) ахлоқнинг асосий тушунчаларини (категорияларини), ахлокий меъёрлар ва тамойилларни ахлоқ – одобнинг бир бутун қон томири тарзида такдим этадилар. Шундай қилиб, ахлоқ тузилмаси уч асосий омилни: ахлокий англаш, ахлокий ҳис этиш ва ахлокий муносабатларни ўз ичига олади. Мазкур уч омил-унсўрнинг бирортасисиз ахлоқ тушунчасини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлокий муносабатларнинг ҳис этиш ва ахлокий англашсиз юзага чиқиши, яъни мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ахлоқ-одоб қоидаларини анласак, нима мумкину, нима мумкин эмас ва қандай яшамоқ керак саволларига жавоб топа оламиз.



Ахлоқ – одоб тўғрисида гапирганда ахлоқий онг нималигани ҳам билиш керак

Ахлоқий онг- кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий ҳатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, яшаш қоидалари, тамойиллари, шунингдек уларнинг ўзаро бир-бирларига ҳамда ижтимоий гуруҳларга, жамиятга бўлган муносабатларини ифодаловчи қарашлари тасаввурлари, назарияларининг жамидир.

Ахлоқ-одоб ахлоқий қарашларни билиш ва англаш орқали шаклланади.

Ахлоқий онг, ахлоқ, одобнинг мазмуни, моҳияти, жамиятдаги кишилар ҳаёти, фаолияти, тараққиётидаги ўрни, аҳамияти тўғрисидаги қарашлар ғояларнинг тизимидир.

Ахлоқ - жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий ҳатти-ҳаракатлар йиғиндиси.

Одоб - инсон хақида ёқимли таъсурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли катти-ҳаракатларни ўз ичига олади.



Ахлоқ-одоб тамойиллари

Ахлоқ-одоб тамойиллари мамлакат ва унинг ўз олдига қўйган улуғвор, эзгу ғоялар ва мақсадларни амолга ошириш жараёнида, ва аксинча мамлакат, миллат, инсонлар ҳаёти, келажак тақдири таҳликали ҳолатга тушганда унинг олдини олиш учун миллат, халқ ва унинг вакилларида намаён бўладиган маъсулят ҳисси, маънавий туйғу ва эътиқоднинг юксак даражада намаён бўлишидир

Ахлоқ-одоб тамойиллари намоён бўлиш шакллари .

Ватанпарварлик

Адолатпарварлик

Қонунларга ҳурмат ва
итфоаткорлик

Давлат тизимига ҳурмат

Тинчликсеварлик

Инсонпарварлик

Миллатпарварлик

Миллий ўзликни англаш

Фуқоролик бурчига садоқат

Меҳнатсеварлик






Маърифат деганда нимани тушунамиз?

Маърифат-педогогика нуқтаи назаридан таълим ва тарбия сўзларининг кўшма бирлигини билдириб, таълим – билим бериш, тарбия эса олган билимларни ҳаётда қўллай олишлик яъни олинган билимларга кўникма ҳосил қилиш, авлодлар тарбиясини одамларга ўргатиш маъносида талқин этилади.

Маърифат – яъни билим маърифатпарварлар орқали ёйилади. Маърифатпарвар – жамият ва инсонларни маърифатли қилиш учун курашувчи, маърифат хомийси ва тарафдори демакдир.


Маърифат қарамлик, қўрқув ва ҳадикни бартараф қилади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият ато этади. Шунинг учун барча замонларда озодлик учун курашчилар мамлакат, миллат озодлигини халқнинг маърифий уйғоклигида деб билдилар ва маърифат учун курашдилар.



Ўтмишда яшаб ижод этган алломаларимиз **Фарғоний, Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Улуғбек, Бухорий, Термизий, Марғилоний, Мотрудий, Замахшарий** ва бошқалар нафақат илм чўққиларини эгаллабгина қолмай, уни – яъни маърифатни кенг тарғиб этганлар, ўргатганлар, шогирдларни тарбиялаганлар.


Туркистон маърифатчилиқ мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. **Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Ашурали Зоҳирий, Саидрасул Саидазизий, Исҳоқхон Ибрат, Аҳмад Дониш** ва бошқалар мамлакатни, халқни миллий зулм ва маърифий қолоқликдан халос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар.

Маърифатпарварлик ҳаракатининг ёрқин сиймоларидан бири **Абдулла Авлоний**нинг *«Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир»*, - деган ғояси маърифатпарварлик ҳаракатининг дастурини ташкил этган.


A decorative Islamic geometric pattern, likely a tile or wall design, featuring intricate star and polygonal motifs in blue, red, and gold. The pattern is partially visible on the left side of the page, with a soft white glow effect.

Маърифатли инсон билимлидир. Билим инсоннинг фазилатини улуғловчи хусусиятлардан биридир. Билим олиш, маърифатли бўлиш, инсонлар турли соҳаларда қийинчилликка дуч келганда моддий ва маънавий жиҳатдан ғалаба қилиши учун зарур. Билимсиз, маърифатсиз киши ҳимоясиздир.

Маърифат кенг маънода одамларга билим бериш, кўникма ва малака ҳосил демакдир. У маънавиятни шакллантирувчи, жамиятнинг яратувчанлик, бунёдкорлик қувватини оширувчи инсон фаолияти соҳасидир. Бошқача айтганда маърифат жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятини қамраб олувчи тушунчадир.




Маънавият ҳар доим маърифат билан яъни билим билан уйғун ҳолда ривожланиб боради. Ҳар иккаласининг уйғунлигига эриша олсаккина ёшларимизнинг маънавий баркамол, иймон-этиқодли, ватанпарвар, инсонпарвар, виждонли, диёнатли, ор-номусли, ҳалол ва пок инсонлар бўлиб тарбия топишларига эриша оламиз. Бу ҳақда **Абу Ҳамид Муҳаммад Ғаззолий** қуйидаги фикрларни билдирган эди: *Гумроҳ кишилар «Илм бўлгач, амалга ҳожат йўқ қаблида фикр қиладилар. Бундай фикрлар илмнинг ўзи билан кифояланиб, шариятни инкор этувчилар этиқоди бўлиб, улар учун илм ҳосил бўлсаю, амал бўлмаса. Бу каби илмдан фойда йўқлигини билишмайди. Ҳолбуки ўқиб ўрганган илмга амал қилмаган кишининг қиёмат кунндаги азоби икки ҳиссадир».*

A decorative Islamic geometric pattern, likely a tile or wall design, featuring intricate star and polygonal motifs in blue, red, and gold. The pattern is partially visible on the left side of the page, with a soft white glow effect.

Заминимизда камол топган, эл-юртга танилган, маънавий баркамол, комил зотлар ўзларида маънавият ва маърифатни юксак даражада мужассам этган алломалар бўлганлар. Улар маънавият ва маърифат чироқларини машъаласингари ёққанлар. Юксак маънавият ва маърифат туфайли Тўрон замин ер юзида шуҳрат қозонган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозирги даврда миллий камолот йўли мана шу йўл бундан бошқа йўл йўқ. Маънавият ва маърифат халқимизнинг, миллатимизнинг, Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун сув ва ҳаводек зарур. Маънавият ва маърифатнинг ўзаро бирлиги, уйғунлиги, маънавий ва маърифий тарбия ишларимизни бирга олиб бориш тараққиётимиз тақозоси. Уларни бир-биридан ажралган ҳолда, бошқа-бошқа олиб бориб бўлмайди. Зеро, таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади”, чунки “... инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади.



Буюк маърифатпарвар бобомиз **Маҳмудхўжа Бехбудий** ўтган асрнинг бошидаёқ *“Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”*, деган ҳаққоний фикрлар билан Туркистон аҳлининг онгу шуурини уйғотишга даъват этгани бежиз эмас... Бу сўзларнинг қанчалик ҳақиқат эканини бугунги юксак тафаккур ва технологиялар замони ҳам исботланмоқда”.



Маънавият ва маърифат, уни эгаллаш масаласига ёндашувга ҳадисларда айтилган “Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унитманг” деган мазмундаги нақлини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз зарур. Чунки тарих ва ҳаёт тажрибаси дунёвий ва диний қадриятлар, илм-маърифат доимо бир-бирини тўлдириб, бойитиб келганлиги шу асосда кишилар маънавий камолот чўққиларига эришганлигидан далолат беради.

Маънавий ва маърифий қашшоқлик билан ҳеч бир миллат, у яшаётган мамлакат ҳеч қачон иқтисодий ва ижтимоий – сиёсий тараққиётнинг юксак чўққиларига эриша олмайди.



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ФИКРЛАРДАН НАМУНАЛАР

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир.

Ш.М.Мирзиёев

Маънавият инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч...

И.Каримов

Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига зов бўлмаслиги лозим.


И.Каримов

Маънавиятни англаш ўзликка қайтиш демакдир.

И.Каримов

Юксак маънавият-енгилмас куч.

И.Каримов



*Ҳар бир кишининг қадр-қиммати ўз ишини қойил
қилиб бажаришида.*

Беруний

*Олдига қўйганини емак – ҳайвон иши,
Оғзига келганини демак – нодон иши.*

Алишер Навоий

*Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё
ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир.*


А. Авлоний.

*Маънавият оламида бадавлат халқимиз,
Маърифат тарқатган донишманд Шарқмиз.
Йигитликда йиғ илмнинг мағзини,
Қарилик чоғи ҳаржст қилгил ани.*

А. Навоий

*Забт этайин десанг сен илму ҳунар,
Инсон, камолин эт ўзингга раҳбар.*

Бедил



*Агар ким илмдан кийгай тож,
Ул бош осмондан ундиради бож.*

Х. Дехлавий

*Инсоннинг қиммати эмас симу-зар,
Инсоннинг қиммати илм ҳам ҳунар.*

Бедил

*Илм инсон кўзини очар, қулогин очар, Фан мияга
идрок билан ёруғлик сочар.*

М. Шайхзода

*Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари,
нажотдир,*

Илм инсон учун гоят олий муқаддас бир фазилатдир.

*Зероки, зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўтқир
қилур,*


Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидир.

А. Авлоний



Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент – 2017.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993
4. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997
5. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарқ, 1996
6. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент: Шарқ, 1999
7. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998
8. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Тошкент: Шарқ, 2001
9. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992
10. Бўри Зиёмухаммадов. Маърифат асослари. Тошкент, “Chinor ENK,” 1998
11. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Тошкент, «Камалак», 1991
12. Абу Ҳамид Муҳаммад Ғаззолий, «Охиратнома». Бухоро, 1992



**Уч буюк қадрият: МАЪНАВИЯТ,
АХЛОҚ-ОДОБ, МАЪРИФАТ**
мавзусида тузилган викторина
саволлари. Ушбу савол-жавоблар
телеграм тармоғининг @iQUIZ боти
орқали яратилди.

Викторинада иштирок этиш учун:
<http://t.me/QuizBot?start=2p21RmY1>